O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INT.N



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 30 январь, № 21 (4431) Чоршанба

# ГЎЗАЛЛИКНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

**2008 йил — Ёшлар йили**

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон маданият ва санъати кўргазмаси залида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан миллий чолғу асбоблари кўргазмаси очилди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг вазифаларни ҳал этишга қодир авлодни тарбиялаш муҳим вазифалардан эканини алоҳида таъкидлади.

Ёшлар маънавиятини юксалтиришда, улар қалби ва онгида она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, умрбоқий анъаналаримизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдиришда, эзгу ва ҳаётбахш ғоялар сари ундашда мусиқанинг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда санъатнинг барча йўналишлари каби миллий мусиқамизни янада ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёш истеъдодларнинг иқтидори рўёбга чиқиши учун кўмаклашиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилади. Ушбу ҳужжат ёшларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, педагог ва мутахассислар меҳнатини рағбатлантиришда катта имкониятлар яратади.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Тошкент вилояти ҳокимлиги ва ҳокимлик ҳузуридаги "Ягона буюртмачи" инжиниринг компанияси Чиноз туманидаги "Эски Тошкент" маҳалласида қад ростлаётган 540 ўринли коллеж қурилиши майдончасида меъморчилик ҳамда қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ва мутахассислари иштирокида кўчма семинар ўтказди.***

### Амалий семинар

Унда янги иншоотларни муддатида фойдаланишга топшириш, бунёдкорлик ишлари сифатини ошириш, бинокорлик ашёларидан тежамкорлик билан фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Соҳада мавжуд хато-камчиликларни ва муаммоларни бартараф этишга доир фойдали таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Семинарда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Қўчқоров иштирок этди.

**А. ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Наманганда жорий йилнинг февраль ойи "Камолот" ойлиги деб эълон қилинди.***

### «Камолот» ойлиги

Мазкур тадбир ёшлар тарбияси йўлидаги маънавий-маърифий, спорт ва маданият борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишни кўзлайди. Жумладан, йигит-қизлар кундалик турмушидаги долзарб масалалар ечими, уларнинг қобилият ва истеъдодини қўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда ташкил этиладиган юзма-юз мулоқот ва дебатлар ойликнинг асосий мазмунидир.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***"Экосан" халқаро ташкилоти 2008 йил — Ёшлар йилига бағишланган мақсадли дастур доирасида навбатдаги «Саломатлик автопоезди»ни Жиззах вилоятига жўнатди.***

### «Саломатлик поезди» Жиззахда

Унда иссиқ кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-тўшак ғилофлари ҳамда санитария-гигиена воситалари — жами 30 миллион сўмлик инсонпарварлик моллари бўлиб, улар вилоятдаги махсус мактаб-интернатлар, шунингдек, кам таъминланган ёш оилаларга тарқатилади.

**Р. САИДОВ.**

***Қорасув шаҳрида ҳунарманду тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида «Микрокредитбанк»нинг шохобчаси очилди.***

### Тадбиркорга елкадош

Минибанк ёрдамида биринчилардан бўлиб Алишер Жўраев, Ҳайитбой Исроилов сингари тадбиркорлар катта миқдордаги сармояга эга бўлдилар. Улар молия муассасасидан олган беш фоизлик кредит ҳисобига дурадгорлик цехи ҳамда сартарошхона ташкил этадилар. Жойларда замонавий сервис хизмати кўрсатувчи шохобчалар очиш ҳам мўлжалланаётир.

Шундай қилиб, мазкур банкнинг Андижон вилоятидаги шохобчалари сони 19 тага етди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВЛАР ХОЛИС, ЭРКИН ВА ҲАҚҚОНИЙ ТАРЗДА ЎТДИ»

***Покистонда инглиз тилида нашр этиладиган «Frontier Post» газетаси «Ittehad» газетасининг бош муҳаррири Тоҳир Фаруқнинг ана шундай сарлавҳа остидаги мақоласини эълон қилди. Унинг муаллифи Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этган хорижий кузатувчилардан биридир. Тоҳир Фаруқ сайлов куни Бухоро шаҳридаги овоз бериш участкаларида бўлган эди.***

**Дунё нигоҳи**

Исломобод, Пешавор ва Лаҳор шаҳарларида чоп этиладиган «Frontier Post» газетасининг адади 30 минг нусхани ташкил этади. У нафақат Покистон, балки Ҳиндистон ва Афғонистон ҳудудларида ҳам тарқатилади.

Тоҳир Фаруқнинг таъкидлашича, «юксак маълумотга ва етарлича ахборотга эга бўлган ўзбек халқи сайлов аҳамиятини яхши тушунади. Жамиятдаги турли қатлам вакиллари сайлов уларнинг ҳаётига ижобий ўзгаришларни олиб келувчи жуда муҳим омил эканини яхши англайди».

Мақола муаллифининг сўзларига қараганда, сайловдан бир кун аввал у Тошкентда турли кишилар билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлган. Пойтахт ресторанларидан бирининг хизматчиси покистонлик журналистнинг ҳамсуҳбатларидан бўлди. Шу муносабат билан Тоҳир Фаруқ қуйидагиларни таъкидлайди: «Мен ундан 23 декабрда ким учун овоз беришини сўрадим. У мени ҳайратда қолдириб, ушбу саволга жавоб беришдан бош тортди ва бунинг сабабини овоз яширин тарзда берилиши билан изоҳлади. Бироқ сўнгра у шундай деди: «Яхши, агар сиз бунга қаттиқ қизиқиш билдираётган экансиз, айтишим мумкин, мен Ислом Каримов учун овоз бераман. У мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакат фаровонлиги йўлида жуда кўп ишларни амалга оширди ва агар Ислом Каримов кейинги муддатга яна қайта сайланса, ўз сайлов олди дастурларидаги мақсадларни ҳаётга тўла татбиқ этишига ишонаман». Навбатдаги суҳбатдош дўкон сотувчиси бўлди. У қуйидагиларни айтди: «Ислом Каримов юртим учун кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда ва шу боис мен ва оила аъзоларим унинг номзодини ёқлаб овоз берамиз».

Т. Фаруқнинг фикрича, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ошкора ва эркин сайловни ўтказишга масъулият билан ёндашди. Овоз бериш участкалари мамлакатнинг барча шаҳар ва қишлоқларида ташкил этилди. Комиссия ҳар бир сайловчига овоз бериш участкасида қайд этилган таклиф хабарномасини юборди. Сайлов куни участкаларда сайловчиларнинг узун навбати кузатилган бўлса-да, ҳамма ерда тартиб ва интизомга риоя қилинди.

Сайлов комиссияси тўрт нафар номзоднинг барчасига сайлов кампанияси чоғида тенг ва қулай шарт-шароитларни таъминлаб берди. Жамоатчилик билан учрашувларни ташкил этиш ҳам ушбу ташкилот зиммасига юклатилди. Сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар ҳақида маълумотларни ўзида акс эттирган плакатлар чоп этилиб, жамоат жойларида осиб қўйилди.

Одамларнинг сайловга бораётганини кўриш ғоят қувонарли бўлди. Сайловчиларнинг иштироки 90 фоиздан зиёдроқни ташкил этди. Уларнинг 88,1 фоизи Ислом Каримов номзоди учун овоз берди».

(Давоми 2-бетда).

***Самарқандда ўн кун мобайнида давом этган Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокидаги давра суҳбати шаклидаги минтақавий семинар ниҳоясига етди.***

## ЎҚУВ ЯКУНЛАНДИ

Унда вазирлар, давлат қўмиталари идоралари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, олимлар томонидан жамиятни демократлаштириш, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлар ҳақида маърузалар ўқилди. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли», «Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир», «Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир» мавзуидаги маърузалари видеотасмалари намойиши ва уларнинг мазмун-моҳияти семинар қатнашчилари билим савиясининг янада ошишига хизмат қилди.

— Семинар машғулотлари давомида, — дейди Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Али Эшонқулов, — қонун ҳужжатлари билан чуқурроқ танишдик. Ўтказилган давра суҳбатларида юртимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини янада кенгроқ англадик. Яна бир фойдали жиҳати, қўшни вилоятлар ҳокимлари ўринбосарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари билан яқинроқ танишиб, бир-биримиздан тажриба ўргандик.

Минтақавий семинарнинг якуний қисмида тест синовлари ўтказилиб, барча қатнашчиларга тегишли гувоҳномалар топширилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ТАЯНЧИ

***Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда милиция таянч пунктларининг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Тизимдаги ишларни ривожлантириш ва илғор тажрибани оммалаштиришда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 29 январь куни мазкур кўрик-танловнинг 2007 йилдаги натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари М. Зуфарова, олий ва ўрта махсус таълим вазири А. Парпиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда тинчлик-осойишталик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли-

(Давоми 2-бетда).

## Журналистика соҳасида «Олтин қалам» III миллий мукофоти

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ**

***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" халқаро танловини ўтказади.***

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2007 йилнинг 31 мартидан 2008 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2008 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

*Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:*

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
— фаол фуқаролик позицияси учун;
— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— "Ёшлар йили"га бағишланган энг яхши материал учун;
— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
— энг яхши журналистик текширув учун;
— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
— энг яхши режиссёрлик иши учун;
— йилнинг энг яхши дебюти учун;
— энг яхши фоторепортаж учун;
— энг яхши карикатура учун;
— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловга теле, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

**Танлов ғолибларини мукофотлаш 2008 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ўтказилади.**

*Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:*
*Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,*
*3-қават, 30, 35, 37-хоналар,*
*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.*
*Телефонлар: 144-64-62; 144-37-87; Факс: 144-69-65*
*E-mail: ijod@sarkor.uz веб-сайт: www.Journalist.uz*

# «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВЛАР ХОЛИС, ЭРКИН ВА ҲАҚҚОНИЙ ТАРЗДА ЎТДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўз мақоласида Т. Фаруқ Ўзбекистоннинг замонавий тарихига ҳам назар ташлайди. «Мустақиллик эълон қилинганидан сўнгги даврда қатор собиқ шўро республикалари, жумладан, Марказий Осиё давлатлари сезиларли иқтисодий муаммоларни бошдан кечираётганди ва сиёсий вазият беқарорлашган эди, — деб ёзади покистонлик журналист. — Ислом Каримов узоқни кўра биладиган раҳбар сифатида Ўзбекистон олдида юзага келган таҳдидларни яхши англаб етган эди. У Ислом маданиятини тиклаш ва қайта қарор топтириш сари қадам ташлади. Унинг раҳнамолигида масжид, мадраса, мақбара ва бошқа муқаддас қадамжоларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари бошланди».

Муаллиф ёзганидек, Ислом Каримов Ўзбекистон иқтисодиётини тиклашга катта эътибор қаратди. Босқичма-босқич тарзда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиб, қулай сармоявий муҳит яратилди. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда эски банк тизими ўрнига замонавий банк тизими жорий қилинди.

Мустақилликнинг 16 йили мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш учун жуда қисқа фурсат саналса-да, иқтисодий ривожланиш моделини амалга ошириш натижалари кутилганидан ҳам самаралироқ бўлди. Ўзбекистон бугунги кунда ўтиш даври қийинчиликларини енгибгина қолмай, Марказий Осиёдаги муҳим ва мустаҳкам иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардан бирига айланмоқда. Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишга эришилди. Сўнгги тўрт йил мобайнида ялпи ички маҳсулот ўсиши ҳажми изчиллик билан 7 фоиздан ошиб келди ва 2007 йилда бу кўрсаткич 9,2 фоизга тенг бўлди. Қулай сармоявий муҳит боис истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига қиймати 100 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда сармоя жалб этилди. Бунинг 25 миллиард доллари хориж сармоясидир. Жаҳонга машҳур ДЭУ автомобиль корпорацияси Ўзбекистон ҳудудида ўз заводларини барпо этди. Нефть, кимё, тўқимачилик ва оғир саноат корхоналари бунёд этилди.

Ўзбекистон – минтақадаги энг йирик пахта етиштирувчи мамлакатлардан бири. Иқтисодиётнинг ушбу тармоғи ҳам кишини ҳайратга соларли даражада юксалишга юз тутди ва хорижий сармоядорлар эътиборини жалб этди. Тўқимачилик корхоналари хусусийлаштирилди.

Ўтган 16 йил мобайнида таълим соҳасига йўналтирилган воситалар ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 12 фоизини ташкил этди. Бу мазкур тармоққа катта эътибор қаратилаётгани ва юрт келажаги учун сарфланаётган маблағларнинг кўламидан далолат беради.

Ўзбекистондаги иқтисодий фаоллик бугунги ҳукумат сиёсатининг ёрқин натижасидир. Мамлакат халқи Ўзбекистоннинг миллий қаҳрамонига айланган Ислом Каримовга юксак ишонч боғлаган, деб ёзади муаллиф ўз мақоласи якунида.

**«Жаҳон» АА.**
Исломобод

# ЁШЛАР СОҒЛИҒИ ЭЪТИБОРДА

***Пойтахтимизда «ОИВ касаллигига қарши курашишда ижтимоий ҳамкорлик масалалари» мавзуида форум бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мазкур тадбир Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури (ЮНЕЙДС) ҳамкорлигида ўтказилди.***

**Анжуман**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Форумда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, айниқса, йигит-қизларнинг турли юқумли хасталикларга чалиниши олдини олишда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу форум ҳам айнан шу эзгу ишларни давом эттириш мақсадида ташкиллаштирилди.

Бугун ер юзида минглаб инсонлар Орттирилган иммун вируси (ОИВ) ва Орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС) хасталикларига чалинган. Бизнинг мамлакатимизда ушбу касалликларнинг олдини олишда кўплаб профилактик чора-тадбирлар кўрилаётир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида 2007-2011 йилларга мўлжалланган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашнинг стратегик дастури изчил амалга оширилмоқда.

Форум якунида мамлакатимизда ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик яхши самара бераётгани таъкидланди. Вазирлик ва идоралар, тузилмалар, жамоат ташкилотлари билан ОИВ касаллигининг тарқалишини бартараф этиш бўйича ўзаро тажрибалар алмашинишига келишиб олинди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири**

## 2008 йил — Ёшлар йили

***Мамлакатимизда ёшлар, жумладан, болалар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, манфаатларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бермоқда.***

***Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир" маърузасида Ёшлар йилида навқирон авлоднинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга доир ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.***



# ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН ХАЛҚ ФАРЗАНДИНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Шу жиҳатдан яқинда матбуотда эълон қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун давлатимиз раҳбари қўйган юксак вазифаларнинг амалдаги яна бир ижроси бўлди. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда бола ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ушбу Қонунда Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Улар орасида боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, боланинг ҳуқуқи унинг туғилишидан аввал пайдо бўлади. Шу боис мамлакатимизда гўдакнинг, аввало, соғлом туғилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. «Соғлом она — соғлом бола» деган эзгу тамойилга амал қилиниб, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлашга эътибор тобора кучайтирилаётир.

Оналик ва болаликни муҳофаза этишга қаратилган фармонлар, қарорлар, мақсадли дастурлар қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда. Чақалоқ дунёга келган кунидан бошлаб тиббий назоратга олинади. Уни турли касалликлардан, соғлом камол топишига хавф соладиган таъсирлардан асрашга катта эътибор берилаётгани учун республикамизда гўдаклар ўлими тобора камаймоқда. Бу нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида қайд этилаётир. Жумладан, ЮНИСЕФ тадқиқотларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, ижтимоий муҳофаза, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бераётган улкан самаралар халқаро экспертлар томонидан юксак баҳоланаётгани бунинг далилидир.

Билим олиш — боланинг энг муҳим ҳуқуқларидан. Янги Қонунда ушбу масалага алоҳида модда бағишланган: "Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар таълими олишини кафолатлайди".

Республикамизда 18 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 40 фоизини ташкил этади. Уларнинг пухта таълим-тарбия олиб, комил инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароит яратилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури изчил амалга оширилмоқда.

Ҳар йили кўплаб замонавий мактаблар, коллеж ва лицейлар қурилиб, мавжудлари халқаро андозаларга мос равишда таъмирланмоқда. Мактаб остонасига илк бор қадам қўйган минглаб фарзандларга мамлакатимиз Президентининг совғаси — ўқув анжомлари бепул тақдим этилаётир.

Соғлом авлодни камол топтиришнинг муҳим воситаларидан бири спорт ҳисобланади. Янги Қонунда бунга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган Фармонига биноан, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши мамлакатимизда ёш авлодни, жумладан, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш ишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун нафақат йирик шаҳарларда, юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ўғил-қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит яратилаётир, замонавий спорт мажмуалари қурилмоқда.

Маълумотларга қараганда, биргина 2003-2007 йилларда бунёд этилган 715 спорт мажмуининг 583 таси қишлоқ жойларда қад ростлаган. Ёш авлоднинг саломатлигига қаратилаётган бундай эътибор ўз самараларини бермоқда. Мутахассисларнинг фикрича, истиқлол йилларида юртимизда балоғат ёшидаги болаларнинг бўйи илгаригига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4-8 килограммга ортган, кўкрак қафаси эса 6-8 сантиметрга кенгайган.

Болаларнинг ҳаёт кечириши, ўқиб-ўрганиши, умуман, тақдири, жамиятда ўз ўрнини топиши у туғилиб, вояга етаётган оиладаги шароитга ҳам боғлиқ. Яъни, оила қанчалик тинч, аҳил, фаровон, маънавий муҳит тўкис бўлса, фарзанд ҳам шунга муносиб тарзда камол топади. Мамлакатимизда ўтган йили ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш, иморат қуриш, рўзғорини бутлашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 57,5 миллиард сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилгани, 195 минг нафар йигит-қиз иш билан таъминлангани давлатимиз раҳбарининг болаларга кўрсатаётган улкан ғамхўрлигининг амалдаги ифодасидир. Бундай эътибор ва ғамхўрлик "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда ҳам ўз аксини топган: "Давлат болаларни тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлашни кафолатлайди."

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон, ота-она қарамоғидан маҳрум, етим болаларга давлатимиз томонидан доимий эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқ лозим. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасида қайд этилганидек, "ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади". Худди шу моддада етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилиши қайд этилган.

Бундай ғамхўрликлардан болалар, айниқса, кўнгли ўксик болаларнинг кўнгли тоғдек кўтарилиши табиий. 2007 йилда республикамиздаги 28 та "Меҳрибонлик уйи" ҳамда 86 та ихтисослашган мактаб-интернатга Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус, 4 та оилавий болалар уйига эса "Дамас" микроавтобуси берилганида ушбу даргоҳларда таълим-тарбия олаётган болалар нақадар қувонганини тасаввур этиш қийин эмас.

Жамиятимизда "Сен ёлғиз эмассан", "Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди", "Боланинг бегонаси бўлмайди" каби инсонпарварлик тамойилларининг ҳаётга жорий этилишига хизмат қилувчи бундай хайрли ишларни амалга оширишда нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Сен ёлғиз эмассан", "Меҳр нури", "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун" каби жамғармалар, республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар замирида қаровсиз болаларни ўз оиласига қайтариш, жамиятга мослаштириш, соғломлаштириш, манфаатларини фаол ҳимоя қилиш билан боғлиқ эзгу мақсадлар ўз ифодасини топган.

Боланинг қалбида эзгулик, меҳр-саховат ва садоқат туйғуларини шакллантиришда санъат, бадиий ижоднинг ўрни беқиёс. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир давлат сиёсатига бағишланган 4-моддасида мамлакатимизда айни шу масала — боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадиий тафаккурини ривожлантириш кафолатланиши алоҳида қайд этилган.

Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини кашф этиш ва рўёбга чиқаришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Зулфия номидаги ва "Ниҳол" мукофотлари танловлари, "Янги авлод" ва "Келажак овози" каби кўрик-танловлар ҳар йили юзлаб ёш истеъдод эгаларини кашф этишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 январда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Ушбу ҳужжатга биноан, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами, маданий савиясини юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга эътибор янада кучайтирилади. Республикамиздаги мавжуд барча болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, янгиларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари кўлами бундан-да кенгаяди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ва изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани ҳар биримизни қувонтиради.

Айни пайтда оммавий ахборот воситалари орқали жаҳоннинг турли минтақаларида кузатилаётган нохуш манзаралар — болалар савдоси, уларнинг ҳаётига тажовуз қилиш, зўравонлик, гаровга олиш, хўрлаш, ҳатто ички органларини пуллаш каби ғайриинсоний ҳодисалар рўй бераётганини кўриб, ўқиб турибмиз. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига қараганда, дунёнинг нотинч минтақаларида сўнгги 8 йилда икки миллиондан зиёд бола бевосита қуролли тўқнашувлар натижасида ҳаётдан кўз юмган. Минглаб болалар ота-онасиз, бошпанасиз ва қаровчисиз қолган. Айрим давлатларда болалар ўртасида жиноятчилик — қотиллик, гиёҳвандлик, талончилик, ўғрилик каби иллатлар кўпайиб бораётгани ҳам сир эмас. Буни ахборот агентликлари тарқатган хабарларнинг сарлавҳасидан ҳам билса бўлади: "9 ёшли бола ўз онасини отиб ташлади", "15 ёшли ўқувчи танаффусда синфдошларига тўппончадан ўт очди", "Ўсмир ўз муаллимасини отиб ташлади", "Полициячилар мактаб ўқувчиси узган ўқ қурбони бўлди", "Тўрт ёшли қизалоқ ўғирлаб кетилди..." Ачинарлиси, бундай иллатлар демократия масалаларида бошқаларга сабоқ беришга уринадиган мамлакатларда, айниқса, кўп учрайди. Инсоннинг, жумладан, боланинг энг муҳим ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқи тўла кафолатланмаган жамиятни эркин ва демократик жамият дейиш мумкинми!

Ана шундай ташвишли, ачинарли воқеалар ҳақида матбуотдан ўқиганимизда, радио ва телевидение орқали эшитиб-кўрганимизда она юртимиз — Ўзбекистонда ҳеч бир бола қаровсиз, халқимиз эътибори, давлатимиз ғамхўрлиги ва меҳрибонлигидан четда эмаслигига шукроналар айтамиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлардан кўзлаган мақсадимиз аниқ. Президентимиз таъбири билан айтганда, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Шу маънода, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун болалар ҳуқуқининг мустаҳкам кафолати сифатида баркамол авлодга бўлган ана шундай юксак ишончимизни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилажак.

***Жасур КЕНГБОЕВ,***
***ЎзА шарҳловчиси.***

## Маҳсулот салмоғи ошди

**Изланиш**

1995 йилда иш бошлаган «Умид» кичик корхонаси цехларида бугунга келиб 20 та тикув машинаси ҳамда 14 та тўқув дастгоҳи ишлатилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми ўн бабарга оширилиб, 40 та ишчи меҳнат қилмоқда.

Эндиликда корхона маъмурлари хитойлик ҳамкасблари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, матога гул босиш технологияларини ўзлаштирмоқчи.

Мебелсозликка ихтисослашган «Шифо-файз» хусусий фирмаси ҳам 2007 йилда олдинги йилдагига нисбатан ишлаб чиқариш қувватини қарийб икки баробар оширишга эришди. Салкам 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бойсунга темир йўл келгани бу ердаги гипс, баксид, сланец, туз, керамзит, оҳак ва кўмир каби бойликларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш имкониятларини яратмоқда. Бу шарт-шароит, табиийки, яқин келажакда 3,5-4 мингта иш ўрни яратилишини таъминлайди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ГЎЗАЛЛИКНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур миллий чолғу асбоблари кўргазмаси болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни сифатли мусиқий асбоблар билан таъминлаш йўлидаги мавжуд имкониятларни атрофлича таҳлил этиш, умумлаштириш, ягона тизим асосида бирлаштириш имконини беради. Шу боис мазкур кўргазма ўз мазмун-моҳияти билан санъатшунослар, созгар уста-ҳунармандлар, ота-оналар, ўқувчи-ёшлар, жамоатчилик вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган уста ва ҳунармандлар томонидан ишланган миллий чолғу асбобларига кенг ўрин берилган. Фарғоналик уста Мамасоли Холбековнинг танбур, сато каби чолғулари бежиримлиги, оҳангдорлиги билан ажралиб турса, хоразмлик Ражаббой Мейлиев ишлаган қашқар рубоби, бухоролик уста Каромат Муқимовнинг соз, тор, танбур каби чолғулари янада мукаммаллиги билан эътиборни жалб этади.

Озод Ўтарбоев ана шундай қўлигул усталардан. У Нукус шаҳридаги маданият ва санъат коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Уста-ўқитувчи кўргазмага ўзи ишлаган соз — сурнай, қўшнай, ушпелек, ғартиқ сингари дамли чолғуларини олиб келган. Ҳамкасби Жузунбой Қосимбетов билан ҳамкорликда коллежда дамли ва торли чолғулардан иборат мусиқий гуруҳ ташкил этган. Ушбу жамоа турли кўрик-танловлар, мусиқий фестивалларда фаол иштирок этмоқда. О. Ўтарбоевнинг айтишича, мазкур кўргазма соҳада эришилган ютуқлар билан атрофлича танишиш, ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Андижонлик созгар Абдумалик Мадраимов ўттиз йилдан буён торли чолғу асбобларини тайёрлайди. Устанинг нозик диди, юксак маҳорати, қалб қўри билан ишланган "Ғижжаги Бобурий", "Дилнаво", "Дилрабо", "Қўш тор", "Мерос" каби торли асбоблар бутун мамлакатимизда маълум. Айтишларича, Андижонга келган хорижлик сайёҳлар Абдумалик устанинг торларини ўзбек заминидан эсдалик сифатида олиб кетади. Уста "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўтказилган ҳунармандлар фестивалида, республика "Ташаббус" кўрик-танловида ва бошқа кўплаб ижодий беллашувларда бир неча бор муваффақиятли иштирок этган. Қўқон, Андижон, Хўжаободда миллий чолғу асбоблари ясашга ихтисослашган устахоналар ташкил қилган. Иш жараёнида пластик ва кимёвий маҳсулотлардан фойдаланмасликка интилиб, иқлим шароитимизга мос, инсон руҳияти ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган табиий материаллардан чолғулар тайёрлаш усулини йўлга қўйган.

— Президентимизнинг фармойишида қўйилган вазифалар нафақат соҳа вакиллари, балки бутун санъатсевар халқимиз кўнглидаги гаплар бўлди, — дейди А. Мадраимов. — Фарзандларимизнинг истеъдод қирраларини кашф этиш уларга юксак савияда мусиқий таълим-тарбия беришни талаб этади. Зеро, пухта ва сифатли чолғулардан фойдаланган боланинг истеъдоди янада мукаммалликка интилиб бораверади. Мазкур кўргазма эса бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, ота-оналар, педагоглар, ўқувчи-ёшларнинг фикрини ўрганишга хизмат қилади. Бу ерда Хоразм, Қорақалпоғистон, Бухоро, Тошкент усталарининг ишлари билан яқиндан танишдик. Ўрганса, ибрат олса арзигулик тажрибалар борлигига, галдаги вазифалар эса янада залварли эканига ишонч ҳосил қилдик.

Кўргазма нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Улардан бири — япониялик Макото Накамура. У Токио нафис санъат университетини тамомлаган, ҳозир Тошкентдаги республика рассомлик коллежининг мусиқа асбоблари ясаш бўлимида таълим олмоқда. Айни пайтда у Ўзбекистон — Япония марказида дутор ижрочилиги бўйича япониялик санъатсеварларга сабоқ беради.

— Кўргазмани диққат билан кўздан кечирдим, — дейди М. Накамура. — У ўзбек чолғулари тўғрисидаги билимимни янада бойитди. Дутор, сурнай, ғижжак каби асбоблар бизнинг юртимиздаги чаримэра, сямисен каби чолғуларга жуда ўхшаб кетади. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада ривожлантиришга оид фармойиш ўзбек санъатининг бундан-да юксалишига, Ёшлар йилида истеъдод соҳиблари учун янгидан-янги имкониятлар эшикларини очишга хизмат қилишига ишончим комил.

Кўргазмада Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Миллий чолғу" илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси томонидан тайёрланган чолғуларга ҳам кенг ўрин берилган. Жамоа раҳбари Озода Тошматованинг таъкидлашича, бундай кўргазма юртимиздаги барча созгар усталарни жалб этиш, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш, ишларини атрофлича тарғиб этишда муҳим ўрин тутади.

— Жамоамизда Президентимиз фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан, болалар мусиқа ва санъат мактабларини сифатли чолғу асбоблари билан таъминлаш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда, — дейди О. Тошматова. — Шу маънода, ушбу миллий чолғу асбоблари кўргазмаси барча усталар фаолиятини ягона тизимга келтириш, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, мактабларни сифатли мусиқий жиҳозлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бу давлат таълим стандартларига, экологик талаб ва мезонларга тўлиқ жавоб берувчи, боланинг ёши, физиологик ҳолатига мос мусиқа асбоблари тайёрлашни тақозо этади. Мазкур жараён эса мусиқа ўқув даргоҳлари учун чолғулар тайёрлашни янада такомиллаштириш, созгарлик санъатини ривожлантириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, жойларда фаолият кўрсатаётган усталар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш каби масалалар билан узвий боғлиқдир.

Шу маънода, кўргазмада ота-оналар, мусиқашунослар, жамоатчилик фикри атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилиниб, билдирилган таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилади. Бу эса ёшларга пухта ва мукаммал мусиқий таълим-тарбия бериш, улар маънавиятини юксалтириш, қалбларини гўзалликнинг сеҳрли оламига ошно этиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ТАЯНЧИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самараларини бераётганини, бунда жойлардаги милиция таянч пунктларининг хизмати катта эканлигини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг мустаҳкам тизими яратилгани қайд этилди.

Ушбу тизимнинг самарасини милиция таянч пунктлари фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Мавжуд 3534 милиция таянч пунктида хизмат қилаётган профилактика инспекторлари ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётгани туфайли фуқаролар дуч келаётган кўплаб муаммолар ўша ернинг ўзида ҳал қилинмоқда. Натижада мазкур идораларнинг обрў-эътибори ва мавқеи янада ошиб, жамоатчилик билан ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда, жиноятчилик йилдан-йилга камаймоқда.

Тадбирда қайд этилганидек, 2007 йили мамлакатимиздаги 2658 маҳаллада бирорта ҳам жиноят рўй бермади. Олиб борилган изчил профилактик чора-тадбирлар туфайли 2007 йилда 2006 йилдагига нисбатан жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари — қотиллик 5,34, қасддан оғир тан жароҳати етказиш 6,09, ўғирлик қарийб 14 фоизга камайди.

Кўпчилик маҳаллаларда таълим-тарбия муассасалари — боғча, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари мавжуд. Демак, у ерда ёшлар билан ишлаш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактика зарурати бор. Шунингдек, хотин-қизлар, кексалар муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш ҳам доимий диққат-эътибордаги масалалардандир.

Шу жиҳатдан мазкур кўрик-танловнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Халқ таълими вазирлиги, республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилаётгани эътиборга моликдир.

Танловнинг якуний босқичида мамлакатимизнинг энг яхши кўрсаткичларга эришган илғор милиция таянч пунктлари аниқланди. Унга кўра, Самарқанд шаҳридаги "Мир Саид Барака", Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги "Ғиштмон", Жиззах шаҳридаги "Зилол", Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги "Тазғара" маҳаллаларидаги милиция таянч пунктлари биринчи ўринни эгаллади. Ғолибларга "Матиз" автомашиналари топширилди.

— Маҳалламизда олти минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди танлов ғолиби, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Тазғара» маҳалласида жойлашган 4-милиция таянч пункти инспектори Содиқ Ибраимов. — Пунктимиз ходимлари маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорликда осойишталикни сақлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш борасидаги профилактика ишларини изчил олиб бораётганлиги туфайли ҳудудимизда ўтган 2007 йил мобайнида бирорта ҳам жиноят қайд этилмади. Бу, аввало, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлигининг самараларидандир.

Танловда «Йилнинг энг яхши профилактика инспектори», «Йилнинг энг фаол вояга етмаганлар билан ишлаш хизмати ходими», «Энг фидойи маҳалла раиси», «Энг ташаббускор маҳалла посбони», «Энг етакчи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Энг фаол ва ибратли хотин-қизлар кенгаши раиси» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбирда санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

**(ЎзА).**

**Муҳаммад АМИН ва Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Гаровдагилар озод этилди

Покистоннинг шимоли-ғарбида 250 ўқувчи ва уларнинг ўқитувчиларини қуролланган номаълум одамлар гаровга олган эди. Шундан сўнг Покистон полицияси мактаб биносини ўраб олди. Ортиқча қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида босқинчилар билан музокаралар ўтказилди. Бу ишда ўша ҳудудда истиқомат қилувчи қабилалар бошлиқлари воситачи вазифасини бажаришди. Олиб борилган музокаралардан сўнг босқинчиларга чиқиб кетиш учун йўл очиб берилди. Болалар ва ўқитувчилар эса озод этилди.

«Associated Press» хабарига қараганда, етти кишидан иборат босқинчилар полицияга таслим бўлган.

## Харпернинг хавотири



Канада бош вазири Стивен Харпер, агар НАТОга аъзо давлатлар Афғонистонга қўшимча кучлар киритмаса, 2009 йилнинг февралида расмий Оттава ўз қўшинларини бу мамлакатдан олиб чиқишини билдирди. Бош вазирнинг таъкидлашича, Афғонистонда, айниқса, Қандаҳор вилоятида (канадалик аскарлар шу вилоятда хизмат қилмоқда) аҳвол оғирлашиб бораяпти.

— Канада ўз бўйнига олган мажбуриятни тўла бажараяпти, — деди Стивен Харпер, — лекин бугун биз ёрдамга муҳтожмиз. Агар бизга вақтида ёрдам кўрсатилмаса, НАТОнинг обрўсига катта путур етади.

Канада қўшинлари 2002 йилда Афғонистонга киритилган эди. Олти йил ичида 78 нафар канадалик аскар ҳалок бўлди.

## Террорчи қўлга тушди

2004 йилда Мадридда поезд портлатилишида асосий айбдор деб гумон қилинаётган Абдулаҳад Ҳриз қўлга олинди. Унинг бу террорчиликда иштирок этгани 2007 йилнинг бошида маълум бўлган эди. «Tiscali News» тарқатган маълумотларга қараганда, портловчи модда тайёрланган уйдан унинг бармоқ излари топилган. У 2006 йилда Сурияда ҳибсга олинган ва Марокаш ҳуқуқ-тартибот идораларига топширилган эди. Шундан сўнг у Мадриддаги портлашда айбдор деб топилиб, суд қилинган ва қамалган. Лекин орадан кўп ўтмай, озодликка чиқарилди.

Абдулаҳад Ҳриз бу сафар Испания томони талабига биноан қамоққа олинди. 2004 йилда Мадридда поезднинг портлатилиши оқибатида 200 га яқин одам ҳалок бўлган, 1200 киши жароҳатланган эди.

## Бир миллионга арзонлашди



Франциялик импрессионист-рассом Пьер-Огюст Ренуарнинг Париждаги уйи нархи бир миллион еврога арзонлаштирилди. «The Wall Street Journal» хабарига кўра, «Туманлар қалъаси» деб ном олган бу уй 2007 йилда 4,5 миллион еврога сотувга қўйилган эди. Аммо уни сотиб оладиган харидор топилмади.

Ушбу тарихий бино XYIII асрда қурилган. Унинг умумий майдони 297 квадрат метрни ташкил этади. Бу хонадонда жуда кўп машҳур кишилар, жумладан, Пабло Пикассо ҳам меҳмон бўлган.

## Флотнинг янги ракеталари

**Тайвань ўзининг ҳарбий-денгиз флотидаги кемаларга янги ракеталар ўрнатмоқчи. «Сюн Фэн-3» деб номланган мазкур ракеталар Тайваннинг ўзида ишлаб чиқарилаяпти. Унинг учиш тезлиги соатига 2000 километрни ташкил этади.**

**Мутахассисларнинг таъкидлашича, ракеталар айрим жанговар кўрсаткичлари бўйича Хитой кемаларига ўрнатилган Россиянинг «Москит» ракеталаридан кучлироқдир.**

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# O'ZSANOATQURILISHBANK

***"Ахбор-Рейтинг" банклараро рейтинг компанияси томонидан ўтказилган таҳлилга кўра, мамлакатимиздаги мавжуд тижорат банклари ичидан "Ўзсаноатқурилишбанк" "uzA+" рейтинг кўрсаткичига лойиқ деб топилди. Бу мазкур молия муассасаси кредит қобилиятининг юқори даражадалигини билдиради. Кредит қобилиятининг юқорилиги эса, ўз навбатида, кредит хатарининг ўта пастлиги билан ифодаланади. Дарҳақиқат, банк молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш борасида анча юқори салоҳиятга эгалиги билан ажралиб туради. Рейтинг компанияси таҳлили эса "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг шундай мавқеига эгалигининг яна бир эътирофи бўлди.***

## «Ўзсаноатқурилишбанк»: КАМАРБАСТАМИЗ

Маълумки, акциядорлик тижорат "Ўзсаноатқурилишбанк"и Ўзбекистондаги энг йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилда унинг ялпи маблағи 49,8 фоизга кўпайиб, жорий йилнинг бошида 92,6 млрд. сўмни ташкил этди. Низом жамғармаси эса икки баравардан кўпроқ ошди. Бундай ўсишга ҳар қандай банк ҳам ҳавас қилса арзийди.

Маблағларнинг доимий равишда ўсиб бориши банкка иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш учун кенг имкониятлар эшигини очаяпти, унинг мамлакатдаги корхоналарни модернизациялаш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнида муҳим ўрин тутадиган йирик сармоя марказига айланишига замин яратмоқда. Жумладан, 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, саноатнинг нефть, энергетика, кимё, тўқимачилик, машинасозлик тармоқларига ажратилган кредитлар ҳажми 47 фоизга ошди. Банкнинг бошқа молия муассасалари билан рақобатдаги устунлиги шундаки, у республика нефть ва газ саноати, қурилиш ва энергетика мажмуасига ҳам хизмат кўрсатади. Бу тармоқларни молиялаштириш фақат "Ўзсаноатқурилишбанк" тизими орқали амалга оширилиши унга барқарор равишда ўз ресурслари ва мижозларига эга бўлиш, фаолиятини мунтазам равишда кенгайтириш имконини бераётир.

"Ўзсаноатқурилишбанк" банк хизматлари бозорида, хусусан, корпоратив ва чакана банк хизматлари кўрсатиш, савдо соҳасини молиялаштириш, хорижий валютада банк амалиётларини бажариш бўйича ҳам барқарор мавқега эга. 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг корпоратив мижозлари 44 минг нафар кишини ташкил этди. Жисмоний шахслардан иборат мижозлари сони эса 700 минг тадан ошиб кетди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" етакчи хорижий банклар билан яқин ҳамкорлик ва 300дан зиёд мухбирлик алоқаларини ўрнатган бўлиб, улар орасида «UBS», «Dresdner Bank», «Deutsche Bank», «Citi Bank», «HSBC Bank PLC», «JP Morgan Chase», «American Express Bank LTD» ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Шунингдек, банк ЕБРР, «Dresdner Bank AG», Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтларининг кредит линияларига эга.

### Молия муассасаларида

Чакана бизнес банк фаолиятининг энг истиқболли йўналишларидан бири саналади. Бу борада қўлга киритилган рақобатбардошлик банкнинг чакана савдо бозорида аҳоли билан ишлаш тажрибасининг катталиги, мижозларга хизмат кўрсатиш тармоғининг кенглиги (филиаллар, омонат кассалари, минибанклар, банк хизматлари маркази ва ҳ.к.) туфайлидир. 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, жисмоний шахсларнинг мазкур банкдаги депозитлари 26 фоизгача ошди. 2007 йилда 45,5 миллиард сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди.

Чакана банк хизматлари кўрсатишда "Ўзсаноатқурилишбанк" тижорат банклари ўртасида етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда банк тизимида 48 та филиал, 92 та мини банк, 189 та жамғарма кассаси бўлиб, улар омонатлар бўйича амалиётларни бажариш билан бир қаторда, аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун накд пул тўловларини ҳам қабул қилиб олмоқда. Шунингдек, "Ўзсаноатқурилишбанк" пул ўтказмалари бозорида ҳам юқори мавқега эга. Банк ўз мижозларига пўл ўтказишнинг бир неча тизимини таклиф қилади. Бу эса, ўз навбатида, турли жуғрофий ҳудудларни қамраб олиш имконини беради. Бугун "Ўзсаноатқурилишбанк" тармоғида пўл ўтказмалари билан шуғулланувчи "Contact", «Blizko», "Migom", "Interexpress", «Western Union» тизимлари бўйича кўплаб шохобчалар ишлаб турибди.

Шу билан бирга, банк томонидан аҳолининг пул маблағларини омонатларга жалб этиш юзасидан ҳам фаол иш олиб борилмоқда. 2007 йил якунлари аҳолининг "Ўзсаноатқурилишбанк"даги омонатлари миқдори анча ошганлигини кўрсатди. Пластик карточкалар бўйича пул айланмалари ҳажми ҳам ортиб бормоқда. 2008 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда банк томонидан 700 мингдан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Уларга хизмат кўрсатиш учун эса 2775 та терминал ва 22 та банкомат ўрнатилди.

Банкнинг активлари ҳам юқори суръатларда ўсиб бормоқда. 2008 йилнинг 1 январига келиб, банк активлари миқдори 979 миллиард сўмдан ошди. Фаол амалиётларнинг кенгайиши банк ресурс базасининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Активлар тизимида ликвид активлар ҳиссаси, 2007 йил якунларига кўра, 265,9 миллиард сўмга етди. Бу банк умумий активларининг 27,1 фоизига тенг, демакдир.

"Ўзсаноатқурилишбанк" мамлакатимиз молия бозорида қўлга киритган мавқеини сақлаш билан чегараланиб қолмасдан, халқаро миқёсда эътирофга эга бўлишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Шу мақсадда айни пайтда банк фаолиятини янада такомиллаштириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги томонидан "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг юқори даражадаги кредит қобилиятига эгалигини эътироф этилишига қаратилган.

Бундан ташқари, банк аҳоли қўядиган жамғарма миқдорини янада кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

"Ўзсаноатқурилишбанк" бундан кейин ҳам ҳар қандай мижоз билан ҳамкорлик қилишга тайёр. У молия бозоридаги ўз маҳсулотлари ва хизматларини доимий равишда такомиллаштириб бораверади. Зеро, акциядорларнинг мунтазам қўллаб-қувватлаши ҳамда аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, инвесторлар ва ҳамкорлар ишончининг юқорилиги "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоасини шунга даъват этмоқда.

**Ф. САНАЕВ.**


**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги 493-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига мувофиқ,**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**томонидан 2008 йилда очиқ турдаги тендер савдолари орқали умумтаълим мактабларига мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари харид қилиниши тўғрисида «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 4 январдаги 3 (4413)-сонида эълон берилган эди.**

Ушбу эълонда тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санаси 2008 йил 4 февраль куни соат 15.00 гача этиб белгиланган эди.

Берилган эълонга мувофиқ, ўтказиладиган тендер савдоларида иштирок этиш учун янада кўпроқ талабгор маҳаллий корхона ва ташкилотларни жалб этиш ҳамда рақобатни кучайтириш мақсадида тендер комиссияси томонидан барча тендер таклифларини топширишнинг якуний санаси 2008 йил 20 февраль куни соат 15.00 га қадар узайтирилди.

Тендер комиссиясининг ишчи органи — «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Сайрам» кўчаси, 92-уй. Телефонлар: (8-371) 268-03-37, 268-75-85. Факс: (8-371) 268-03-37.**

124R/168



**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

**Ўлчаш диапазонлари:**
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**



**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган
**очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 28 мартдаги 10-0720/1191-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирғали тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уйда жойлашган, умумий майдони 53485 кв.м. бўлган, АПСО «Сифат»га тегишли бўлган «Каркас» заводининг бино ва иншоотлари (ўн битта бино ва тўққизта иншоот).

*Бошланғич баҳоси — 300 206 400 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 4 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Собир Раҳимов филиалига, МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўланади.

**Манзил: Тошкент шаҳри. Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz**

**Гувоҳнома DB 001 № 000004.**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

**юридик шахсларни СУБД Oracle маълумотлар базасини етказиб бериш бўйича танловда иштирок этишга таклиф этади.**

**Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотни ва танлов ҳужжатлари тўпламини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй.**

**Телефонлар: 144-97-57, 144-98-59.**
**Ички телефонлар: 757, 859.**
**Факс: 144-22-96.**

**Танлов таклифлари эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кун (якшанбадан ташқари) давомида соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.**

111R/139


## «ТАЪМИНОТЧИ ХОНИМ» ЛИБОСЛАРИ

### Интилиш

Паркентдаги "Таъминотчи хоним" кичик корхонаси ўз фаолиятини ривожлантириш мақсадида "Микрокредитбанк"нинг туман филиалидан 5,4 миллион сўм миқдорида кредит олган эди. Ана шу маблағ эвазига янги замонавий тикув дастгоҳлари харид қилиниб, ишлаб чиқариш цехига ўрнатилди. Бу ерда турли хил матолардан ўқувчилар либоси ва коржомалар тайёрлаш режалаштирилмоқда.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ**

**ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!**

- *хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);*
- *муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлари);*
- *судьяларнинг касб маҳорати (судьяни сайлаш энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан тарафлар томонидан амалга оширилади);*
- *мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);*
- *Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);*
- *Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).*

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди**

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй. Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03. web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz**

# ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

***Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган «4-Жаутиков Халқаро математика ва физика олимпиадаси»да 14 мамлакатдан келган 40 та жамоа иштирок этди.***

Мазкур олимпиадада юртимиз ўқувчилари 244 нафар йигит-қиз билан дўстона баҳсга киришдилар. Белгиланган топшириқларни бажариш чоғида иккиланишлардан холи бўлган ўқувчиларимиз ўзларининг эришажак ютуқларига ишонишганди. Натижа ҳам кутилганидек бўлди. Мана, ғолиблар: Дониёр Жуманазаров — кумуш (Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани, 1-ИМИ 11-синф ўқувчиси), Рамазон Бозоров — бронза (Бухоро вилояти Қоракўл тумани, 1-ИБМИ 11-синф ўқувчиси), Фарҳод Ҳайдаров — бронза (Наманган вилояти Учқўрғон тумани, 6-ИМИ 11-синф ўқувчиси) медалларини қўлга киритди.

Бу ютуқ юртимиз таълим тизими ходимларини, барча мутасаддилар ва ота-оналарни хушнуд қилди. Бу эришилган натижаларнинг барчаси таълимга берилаётган юксак эътибор маҳсулидир.

**Шерзод АҲМАТОВ,**
**Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати ходими.**

# БУЮК ЎТМИШИМИЗ КЎЗГУСИ





Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

***Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи республикамиздаги улкан илмий-маърифий масканлардан саналади. Ушбу зиё масканида илм-маърифат, миллий санъат, адабиёт ва маданиятга дахлдор 80 мингдан ортиқ қўлёзма ва литографик китоблар мавжуд. Бундан ташқари, музейдаги ноёб ҳайкалтарошлик буюмлари, тасвирий санъат ва этнографияга оид экспонатлар ҳам киши эътиборини тортади. Аслида, бу ерни халқимиз ўтмиши ва маданиятининг бебиёс намуналари жой олган даргоҳ, дейиш ҳам мумкин.***

Эътиборлиси, бугун музей экспозициясини бойитиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, академик Азиз Қаюмов раҳбарлигидаги махсус олимлар гуруҳи қисқа фурсат ичида 1500 дан зиёд камёб қўлёзмаларни тўплашди. Уларга илмий тавсиф бериб чиқилди. Саъдий Шерозийнинг 1636 йилда кўчирилган куллиёти, Абдураҳмон Жомийнинг "Туҳфатул аҳрор" қўлёзмаси (1578 йилдаги нусха), Низомий Ганжавийнинг XVI асрга тегишли "Махзан ул-асрор"и, Хусрав Деҳлавийнинг 1575 йилда кўчирилган "Хамса"си, Фиғоний, Нозим Ҳиравий, Абдулло Ҳотифий, Ҳусайн ал-Кошифий, Темуршоҳ Афғоний каби мумтоз адабиёт вакилларининг қадимий асарлари шулар жумласидандир. Музей захирасининг бу каби дурдона асарлар билан тобора бойиб бораётгани кенг жамоатчилик эътиборини тортмоқда.

— Музейга ташриф буюрувчиларнинг аксарияти ёшлар, — дейди музей раҳбари Саидбек Ҳасанов. — Бултур 15 минг нафарга яқин юртдошларимиз бу ерга келган бўлишса, уларнинг

**Мутолаа**

тахминан 12 минг нафарини ёш йигит-қизлар ташкил этади. Шунингдек, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидан ҳам санъат ихлосмандлари келиб туришади.

— Музейга тез-тез келиб тураман, — дейди пойтахтимиздаги 182-мактаб ўқувчиси Искандар Аширов. — Ҳар гал олам-олам таассуротлар билан қайтаман. Боиси, бу ердаги осори атиқалар буюк тарихимиз ҳақида янада чуқур тасаввурга эга бўлишимда асқотади. Аждодларимизнинг ҳаёти, илм-маърифат йўлидаги жонбозликлари, ютуқлари билан таништиради. Шу боис бу масканни улуғ дарсхона, дегим келади.

Экспозициялардан ҳали ўрганилмаган ёҳуд кам ўрганилган асарларнинг қўлёзмалари ҳам ўрин олган. Булар Мавлоно Хожа Қози Ризоий Пайвандийнинг "Қуш тили" асари, Носир Хўжанинг "Лайли ва Мажнун" достони, Хожазода Аҳмад Ҳилмийнинг "Ҳадиқат улавлиё" асари ҳамда бошқа нодир топилмалардир. Айни кунларда бу асарлар устида йирик олимларимиз иш олиб боришяпти. Уларнинг ёнида туриб, тарих хазинасини кашф этаётган ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Яқинда музей аспиранти Шафоат Ҳасанова "Ризо Пайвандийнинг "Қуш тили" асарининг илмий-танқидий матни" мавзусидаги илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Аспирант Ҳасанбой Тешабоевнинг илмий иши эса "Қиссаи Рабғузий ҳикоятларининг поэтикаси" деб номланган.

Музейнинг Британия музейи, Ҳайдаробод қўлёзмалар фонди, Париж, Теҳрон миллий кутубхоналари, Москва, Токио университетлари билан маданий-маърифий алоқалари кенг йўлга қўйилган. Экспозицияларнинг расмли электрон нусхалари Интернет орқали хорижлик қизиқувчиларга ҳам узатиб борилади. Биргина ўтган йили 5 мингдан зиёд чет эллик мухлис музей экспонатлари билан танишиб, уларга юқори баҳо берди.

Шу билан бирга, илмий ходимлар нашрга тайёрлаган китобларни халқимиз катта қизиқиш билан кутиб оляпти. А. Қаюмов ва С. Ҳасанов ҳаммуаллифлигида нашрга тайёрланган Алишер Навоийнинг "Хамса" асари 2007 йилда Москвада ўтказилган халқаро китоблар кўргазмасида олтин медалга сазовор бўлди.

Тарих кишининг маънавий дунёсига зиё бахш этади. Аждодларнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлиш миллий ғурур, ифтихор ҳиссининг қалбларда жўш уришига сабаб бўлади. Зотан, Алишер Навоий бобомиз номидаги Давлат адабиёт музейининг аҳамияти ҳам шундаки, у ҳар бир кишига ўзлигини англатиб туради.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

***Ўзбекистон давлат консерваториясида Ҳиндистон Республикаси миллий байрами — Республика кунига бағишланган концерт бўлиб ўтди.***

# ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳинд маданият маркази ва Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

**Тадбир**

Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сканд Ранджан Тайал Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига мос равишда изчил ривожланаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда Ҳиндистон ахборот технологиялари, биотехнологиялар, электроника ва фазовий тадқиқотлар каби соҳаларда сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида юқори технологиялар, иқтисодиёт, савдо, фан-таълим, нефть-газ саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. 2006 йили Тошкент ахборот технологиялари университетида Жавоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази очилди.

Тадбирда ўзбек ва ҳинд санъат усталари ижросида куй-қўшиқлар янгради, рақслар намойиш этилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Спорт ● Sport ● Спорт**

# Турнир давом этмоқда

***Таиландда бокс бўйича Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи халқаро турнир давом этмоқда.***

Унда тўққиз нафар ўзбекистонлик боксчи ҳам йўлланмалар учун баҳс юритмоқда. Жумладан, Рафиқ Султонов (48 кг.), Бекзод Хидиров (60 кг.), Зокир Ортиқов (64 кг.), Дилшод Маҳмудов (69 кг.) ва Жасур Матчонов (91 кг.)лар дастлабки беллашувларни ғалаба билан якунлашди.

Кеча Баҳодиржон Султонов (57 кг.), ва Элшод Расулов (75 кг.)лар ярим финалда рингга чиқдилар.

# Футбол бўйича беллашув

***Қатарда футбол бўйича 19 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнир ҳал қилувчи паллага кирди.***

Мазкур мусобақада қатнашаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ярим финалда польшалик тенгдошларига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

Энди вакилларимиз учинчи ўрин учун баҳсда Хитой ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушади.



***Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси — IFFHS 2007 йилнинг энг машҳур ўйинчилари рўхатини эълон қилди.***

# Шацких машҳурлар орасида

Аҳамиятлиси, улар орасида Ўзбекистон терма жамоаси ва "Динамо" (Киев) ҳужумчиси Максим Шацких ҳам бор. IFFHSнинг расмий сайтида ўтказилган сўровнома якунига кўра, ҳамюртимиз йигирманчи ўринда қайд этилган.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# Ёш полвонлар майдонга тушди

***Урганч шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича вилоят очиқ биринчилиги ўтказилди.***

Унда 260 нафардан ортиқ ёш полвонлар гиламга чиқдилар. Ушбу беллашувлар болалар ва ўсмирлар орасидан кучлиларни саралаш, уларни нуфузли мусобақаларга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ёш полвонлар ўртасида кечган қизғин мусобақалар якунида Б. Худойберганов, Ш. Рўзметов, Ш. Юсупов, Р. Мамедов, Ф. Абжанов, Т. Ғофуров, А. Собуровлар ўз вазн тоифасида ғолиблик шоҳсупасини эгалладилар. Бу билан улар мамлакат биринчилиги мусобақаларида иштирок этиш шарафига муяссар бўлишди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизнинг кўпгина корхона ва компаниялари МТСнинг корпоратив алоқасини танлаганлар. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади — мобил алоқа бўйича энг йирик компаниянинг алоқасидан Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида фойдаланиш мумкин.***

# МТС ўз корпоратив абонентларига янги имкониятларни таклиф этмоқда

МТСнинг корпоратив тарифлари аниқ бир ҳажмдаги имтиёзли дақиқалар лимитидан ташқари, корпоратив гуруҳ ичидаги гаплашувлар, шунингдек, бошқа барча гаплашувлар учун ҳам фойдали тарифлар тизимини таклиф этади. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон бўйича барча мобил операторлардан кирувчи қўнғироқлар — бепул.

МТС компанияси корпоратив тарифларидан фойдаланувчи абонентларига янги ва қулай «Менинг дақиқаларим» хизматини тақдим этади. **«Менинг дақиқаларим»** хизматидан фойдаланиб, МТСнинг маълумот хизматига қўнғироқ қилмасдан ва офисига бормасдан ойни бошидан бошлаб гаплашган вақтингизнинг дақиқаларини осонлик билан билиб олишингиз мумкин. Бунинг учун:

- USSD хизматининг ***111*201#** рақамига қўнғироқ қилиш керак
- ёки **617001 рақамига** бўш SMS-хабар юбориш керак.

Шунда сизнинг рақамингизга тегишли маълумотли хабар келади. Юборилган ва қабул қилинган хабарлар — бепул.

Ҳар гал USSD хизмат рақамига корпоратив абонентлар қўнғироқ қилмаслик ёки хабар юбормаслик учун **«Менинг дақиқаларим»** хизматига уланишлари мумкин ва шунда маълумотли хабарлар автоматик равишда мобил телефонларига ҳар куни келиб туради.

Бунинг учун МТС корпоратив абонентларга хизмат кўрсатиш департаментига ёзма талабнома билан мурожаат қилиш керак. Талабномада хабарларни автоматик равишда оладиган телефон рақамлари кўрсатилган бўлиши лозим. Ҳар кунлик маълумотни олиш баҳоси бир рақамга бир ойга — $1.

**«Корпорация» — ишингиз ҳақида кўпроқ, мобил алоқа ҳақида эса камроқ ўйлаш имконияти!**

Хизматлар лицензияланган.




# Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 12 январдан 25 январгача бўлган маълумот

## I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. "Доимий равишда спорт билан шуғулланувчи болалар сонини белгилашнинг аниқ мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йил 8 январдаги 1, 8, 39-сонли қарори.*

***2008 йил 16 январда 1759-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 январдан кучга киради).***

2. "Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида" *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги 111, 2007-66-сонли қарори.*

**2008 йил 21 январда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 31 январдан кучга киради).**

3. "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 21 январдаги 2, 2008-04-сонли қарори.*

**2008 йил 21 январда 1761-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 31 январдан кучга киради).**

4. "Фуқаро ва экспериментал авиацияда учувчилар таркиби учун ёшга оид чегараларни киритиш тўғрисида" *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 28 декабрдаги 1099, 3692, 1669-сонли қарори.*

**2008 йил 25 январда 1762-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 4 февралдан кучга киради).**

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. *(Рўйхат рақами 276, 1996 йил 28 август), (рўйхат рақами 276-1, 1996 йил 24 декабрь), (рўйхат рақами 410, 1998 йил 28 февраль), (рўйхат рақами 434, 1998 йил 29 апрель), (рўйхат рақами 459, 1998 йил 30 июнь), (рўйхат рақами 490, 1998 йил 15 сентябрь), (рўйхат рақами 490-1, 1998 йил 30 декабрь), (рўйхат рақами 517, 1998 йил 30 октябрь), (рўйхат рақами 684, 1999 йил 31 март), (рўйхат рақами 743, 1999 йил 9 июнь), (рўйхат рақами 755, 1999 йил 24 июнь), (рўйхат рақами 817, 1999 йил 13 сентябрь), (рўйхат рақами 876, 2000 йил 19 январь), (рўйхат рақами 923, 2000 йил 5 май),(рўйхат рақами 1092, 2002 йил 3 январь), (рўйхат рақами 1092-1, 2003 йил 4 февраль), (рўйхат рақами 1092-2, 2005 йил 11 октябрь), (рўйхат рақами 1098, 2002 йил 15 февраль), (рўйхат рақами 1098-1, 2004 йил 6 февраль), (рўйхат рақами 1098-2, 2004 йил 29 июнь), (рўйхат рақами 1098-3, 2005 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1098-4, 2005 йил 25 октябрь), (рўйхат рақами 1098-5, 2007 йил 5 февраль), (рўйхат рақами 1097, 2002 йил 15 февраль), (рўйхат рақами 1097-1, 2003 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 1097-2, 2004 йил 12 март), (рўйхат рақами 1097-3, 2005 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1097-4, 2005 йил 18 октябрь), (рўйхат рақами 1097-5, 2007 йил 5 февраль), (рўйхат рақами 1110, 2002 йил 14 март), (рўйхат рақами 1110-1, 2002 йил 13 сентябрь), (рўйхат рақами 1110-2, 2003 йил 31 март), (рўйхат рақами 1110-3, 2004 йил 12 март), (рўйхат рақами 1110-4, 2005 йил 18 март), (рўйхат рақами 1110-5, 2006 йил 2 февраль), (рўйхат рақами 1110-6, 2007 йил 20 февраль), (рўйхат рақами 1110-7, 2007 йил 22 сентябрь), (рўйхат рақами 1109, 2002 йил 13 март), (рўйхат рақами 1109-1, 2002 йил 10 июнь), (рўйхат рақами 1109-2, 2002 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 1109-3, 2003 йил 16 февраль), (рўйхат рақами 1109-4, 2004 йил 12 март), (рўйхат рақами 1109-5, 2005 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1109-6, 2006 йил 29 апрель), (рўйхат рақами 1109-7, 2007 йил 26 март), (рўйхат рақами 1109-8, 2007 йил 18 июль), (рўйхат рақами 1103, 2002 йил 5 март), (рўйхат рақами 1103-1, 2007 йил 13 март), (рўйхат рақами 1118, 2002 йил 27 март), (рўйхат рақами 1118-1, 2003 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 1118-2, 2005 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1118-3, 2006 йил 10 апрель), (рўйхат рақами 1118-4, 2007 йил 5 февраль), (рўйхат рақами 1107, 2002 йил 11 март), (рўйхат рақами 1107-1, 2002 йил 2 октябрь), (рўйхат рақами 1107-2, 2003 йил 31 март), (рўйхат рақами 1107-3, 2004 йил 16 февраль), (рўйхат рақами 1107-4, 2005 йил 10 март), (рўйхат рақами 1107-5, 2006 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1107-6, 2007 йил 31 март), (рўйхат рақами 1123, 2002 йил 15 апрель), (рўйхат рақами 1123-1, 2003 йил 28 февраль), (рўйхат рақами 1123-2, 2004 йил 12 март), (рўйхат рақами 1123-3, 2005 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1123-4, 2005 йил 5 октябрь), (рўйхат рақами 1102, 2002 йил 5 март), (рўйхат рақами 1102-1, 2003 йил 22 январь), (рўйхат рақами 1102-2, 2004 йил 16 февраль), (рўйхат рақами 1102-3, 2005 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1102-4, 2006 йил 10 июль), (рўйхат рақами 1102-5, 2007 йил 5 февраль), (рўйхат рақами 1102-6, 2007 йил 4 сентябрь), (рўйхат рақами 1218, 2003 йил 16 февраль), (рўйхат рақами 1218-1, 2004 йил 13 февраль), (рўйхат рақами 1218-2, 2005 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1218-3, 2006 йил 13 март), (рўйхат рақами 1218-4, 2007 йил 20 февраль), (рўйхат рақами 1217, 2003 йил 16 февраль), (рўйхат рақами 1217-1, 2006 йил 22 март), (рўйхат рақами 1230, 2003 йил 3 апрель), (рўйхат рақами 1230-1, 2004 йил 30 январь), (рўйхат рақами 1230-2, 2004 йил 4 август), (рўйхат рақами 1230-3, 2005 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1230-4, 2006 йил 13 март), (рўйхат рақами 1230-5, 2007 йил 20 февраль), (рўйхат рақами 1238, 2003 йил 29 апрель), (рўйхат рақами 1238-1, 2004 йил 15 март), (рўйхат рақами 1238-2, 2004 йил 12 октябрь), (рўйхат рақами 1238-3, 2005 йил 20 апрель), (рўйхат рақами 1238-4, 2005 йил 5 октябрь), (рўйхат рақами 1238-5, 2006 йил 19 май), (рўйхат рақами 1238-6, 2007 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 1238-7, 2007 йил 30 октябрь), (рўйхат рақами 1235, 2003 йил 21 апрель), (рўйхат рақами 1235-1, 2006 йил 13 март), (рўйхат рақами 1324, 2004 йил 15 март), (рўйхат рақами 1324-1, 2005 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1325, 2004 йил 15 март), (рўйхат рақами 1325-1, 2005 йил 10 март), (рўйхат рақами 1325-2, 2005 йил 5 октябрь), (рўйхат рақами 1325-3, 2005 йил 30 ноябрь), (рўйхат рақами 1325-4, 2006 йил 17 март), (рўйхат рақами 1325-5, 2007 йил 28 март), (рўйхат рақами 1416, 2004 йил 5 октябрь), (рўйхат рақами 1471, 2005 йил 19 апрель), (рўйхат рақами 1667, 2007 йил 28 март), (рўйхат рақами 1667-1, 2007 йил 18 июль), (рўйхат рақами 1676, 2007 йил 2 май), (рўйхат рақами 1680, 2007 йил 17 май), (рўйхат рақами 1693, 2007 йил 25 июнь).*

*Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2008 йил 21 январдаги 10-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Олтмиш ёшга тўлган авиация ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиация ҳаво кемалари экипажи аъзолари вазифаларини бажариш чоғида уларнинг касб фаолиятига рухсат беришдаги чекланишларни киритиш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 1042, 2001 йил 19 июнь). *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2008 йил 25 январдаги 11-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Буғ ва иссиқ сув қувурлар босими билан ишловчи буғ ва сув қайнатадиган қозонлар, идишларни текширувдан ўтказиш бўйича услубий қўлланма. *"Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

2. Буғ ва иссиқ сув қувурлар босими билан ишловчи буғ ва сув қайнатадиган қозонлар, идишлардан фойдаланадиган идораларни текшириш бўйича услубий қўлланма. *"Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

3. Болтли ва парчинли юк кўтаргич кранларни техник баҳолаш ҳолати бўйича йўриқнома. *"Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

4. Қувурларни тугатиш, вақтинча тўхтатиб қўйиш ва уларнинг оғзини ва қувурларини жиҳозлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. *"Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.**

**Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика дезинфекция станцияси жамоаси собиқ бош врач, тиббиёт фанлари номзоди, дезинфекция хизмати фахрийси
**Яҳё Ғозиевич ПЎЛАТОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Markazsanoateksport» ДАТС компанияси жамоаси компания тизимидаги фирма директори Зоир Тўраевга падари бузруквори
**АБДУҚОДИР отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти жамоаси етакчи илмий ходим Мирсобит Ҳайдаровга отаси
**Акбар ҲАЙДАРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 48341 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6 7